

## БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА “ЯШИЛ” ЛОЙИХАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Атаниязов Жасурбек Хамидович,*

*Тошкент молия институти кафедра мудири,  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор*

*Email: [jasurbek156@gmail.com](mailto:jasurbek156@gmail.com)*

*ORCID: 0000-0002-4758-0781*

### PROSPECTIVE DIRECTIONS OF FINANCING “GREEN” PROJECTS TO ENSURE SUSTAINABLE ECONOMIC GROWTH

*Ataniyazov Jasurbek Khamidovich,*

*Head of the Department of International Finance and Credit, Tashkent institute of finance,*

*Doctor of Economics, Professor*

*Email: [jasurbek156@gmail.com](mailto:jasurbek156@gmail.com)*

*ORCID: 0000-0002-4758-0781*

**JEL Classification: F65, E22, Q01**

**Аннотация:** Мақолада “Яшил” инвестициялашнинг асосий йўналишлари БМТ томонидан ишлаб чиқилган барқарор ривожланиш мақсадларига ҳамда жаҳон иқтисодиётини “яшил” бизнесга ўтишининг истиқболли йўналишларига мувофиқ ҳолда тадқиқ этилган. Шунингдек, хусусий инвесторларнинг “яшил” лойиҳаларни молиялаштиришдаги фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, имтиёзли молиялаштириш, кредитлаш ва рискларни пасайтириш чора-тадбирлари билан боғлиқ ҳолда қўллаб-қувватлашнинг асосий дастак ва воситалари ўрганилган. Яшил иқтисодиёт лойиҳаларига инвестиция киритадиган молиявий институтлар фаолияти ва хорижий мамлакатларда “яшил” иқтисодиётга оид ташаббусларни тартибга солишнинг асосий усуллари кўриб чиқилган.

“Яшил” иқтисодиётга ўтиш жаҳон мамлакатларини ривожлантиришнинг асосий тенденцияларидан биридир, чунки у нафақат табиатни асраш, балки ушбу соҳада иштирок этаётган компанияларга рақобат устунлигини ҳам беради.

Аксарият хорижий давлатлар ўз олдига барқарор ривожланишнинг экологик мақсадларига эришиш вазифасини қўйган бўлиб, уларни амалга ошириш учун хусусий инвесторлар томонидан “яшил” лойиҳаларни молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар, восита ва дастаклардан фойдаланилмоқда. Мазкур жараёнда, “яшил” лойиҳаларни молиялаштиришнинг илғор хорижий тажрибаларини тадқиқ этиш ва шу асосда истиқболли йўналишларни белгилаш долзарб масала ҳисобланади. Бу борада хорижий мамлакатларда “яшил” лойиҳаларни молиялаштириш билан боғлиқ сўнгги тенденцияларни, “яшил” лойиҳаларни молиялаштиришда хусусий инвесторларни қўллаб-қувватлашнинг дастак ва воситаларини ҳамда лойиҳа турларини тавсифлаш тадқиқотнинг асосий йўналишлари ҳисобланади. Шу боисдан жаҳонда “яшил” бизнесни ривожлантириш ва “яшил” инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг замонавий тенденцияларини тадқиқ этиш асосида илмий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишга эътибор қаратилди.

**Abstract:** The article examines the main directions of "green" investment in accordance with the goals of sustainable development developed by the UN and the prospective directions of the transition of the world economy to "green" business. Also, the main levers and means of supporting the activity of private investors in the financing of "green" projects in connection with state regulation, preferential financing, crediting and risk reduction measures have been studied. Activities of financial institutions investing in green economy projects and the main methods of regulation of "green" economy initiatives in foreign countries are considered.

The transition to the "green" economy is one of the main trends in the development of the countries of the world, because it not only preserves nature, but also gives a competitive advantage to companies participating in this field. Most foreign countries have set themselves the task of achieving the environmental goals of sustainable development, and for their implementation, complex measures, tools and levers are used to support the financing of "green" projects by private investors. In this process, it is an urgent issue to research advanced foreign experiences of financing "green" projects and to define promising directions on this basis. In this regard, the description of the latest trends related to the financing of "green" projects in foreign countries, the tools and means of supporting private investors in the financing of "green" projects, and the types of projects are the main directions of the research. Therefore, attention was paid to the development of scientific conclusions and recommendations based on the research of modern trends in the development of "green" business and financing of "green" investment projects in the world.

**Калит сўзлар:** яшил лойиҳалар, инвестиция йўналишлари, молиялаштириш воситалари, яшил облигациялар, интеграция, инвестиция фондлари, молиявий корпорациялар

**Key words:** green projects, investment directions, financing instruments, green bonds, integration, investment funds, financial corporations

**Қириш.** Мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида глобаллашув жараёни муҳим тенденциялардан бўлиб, у ижтимоий, иқтисодий, молиявий, сиёсий ва технологик соҳаларда умумжаҳон интеграциялашуви ва бирлашувини таъминлайди. Глобаллашув шароитида давлатларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятининг муҳим йўналиши барқарор ривожланиш концепциясини амалга ошириш доирасида "яшил" молия институтларини ривожлантириш ҳисобланади.

Маълумки, барқарор ривожланиш концепциясини шакллантиришнинг бошланғич нуқтаси 1992 йилда Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) томонидан қабул қилинган "XXI аср кун тартиби" дастури бўлди. 2012 йилда ўтказилган БМТнинг Барқарор ривожланиш бўйича саммитида ("RIO+20"), асоси "яшил" иқтисодиёт бўлган барқарор ривожланиш моделига ўтиш ҳамда "яшил" иқтисодиётнинг декарбонизация, углеводород чиқиндиларини чеклаш, биосферани сақлаш ва табиий ресурсларни кўпайтириш, кам углеродли энергия манбаларидан фойдаланиш ва ресурсларни тежаш, аҳоли турмуш даражаси ва даромадларини ошириш каби йўналишлари белгиланди.

БМТ томонидан 2015 йилда муҳим дастур қабул қилинган бўлиб, унга "Дунёмизни ўзгартириш: 2030 йилгача

бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Кун тартиби” деб ном берилди [15]. БМТ ҳужжатида барқарор ривожланиш мақсадлари эълон қилинган ва асосий кўрсаткичлар белгилаб берилган бўлиб, уларга эришилганда дунёнинг барча аҳолисига муносиб турмуш шароитини таъминлаш учун сайёраміз ресурслари сақланиб қолади. Ҳужжатда ижтимоий интеграция, иқтисодий ўсиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби барқарор ривожланишнинг учта жиҳати келтирилган. Шу билан бирга, атроф-муҳитга техноген юкни камайтириш муаммосини ҳал қилиш йирик ҳажмдаги инвестициялар ва тегишли молиявий инфратузилмани яратишни талаб қилади.

Бугунги кунда ҳақиқий инвестициялар ҳажми ва “яшил” инвестицияларга бўлган эҳтиёж ўртасида катта тафовут мавжуд. Хусусан, Европа Иттифоқи мамлакатлари учун 2020 йилда биргина энергетика соҳасидаги инвестицион номутаносиблик 500 миллион еврога баҳоланган [2]. Халқаро молия институтлари экспертлари томонидан олиб борилган кўплаб тадқиқотлар шуни кўрсатадики, келгуси ўн йил ичида “яшил” фаолият соҳасини ривожлантиришга ўнлаб триллион доллар сармоя киритиш ва шунга мос равишда молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжни қондириш учун “яшил” воситаларидан фаол фойдаланиш керак.

Ҳозирги вақтда “яшил” молиялаштириш ҳажмининг ўсиш динамикаси сезиларли даражада ривожланмоқда. Шунга мос равишда “яшил” облигациялар бозори юқори ўсиш салоҳияти билан ажралиб туради. Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилотининг (OECD) прогнозига кўра, унинг ҳажми 2035 йилга бориб 4,7-5,6

триллион АҚШ доллариғача ошиши мумкин [21].

Шундай қилиб, сўнгги йигирма йил ичида глобаллашув жараёнининг натижаси анъанавий жамиятни барқарор ривожланиш тамойиллари асосида шаклланган жамиятга айлантирди. Глобаллашув иқтисодиётнинг “яшил” таркибий қисмига асосланган жадал илмий-техникавий тараққиётни таъминловчи ва маълум молиявий ташаббус марказлари билан уни молиявий тартибга солиш моделини яратиш сабабларидан бири бўлган жаҳон молия тизими ривожланиш йўналишларини белгилаб берди.

**Материал ва метод.** Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда “яшил” лойиҳаларни молиялаштиришнинг асосий шарт-шароитлари ва хусусиятлари, “яшил” лойиҳаларни молиялаштириш манбалари кўплаб хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан махсус илмий тадқиқот сифатида ўрганилган бўлиб мазкур тадқиқотлар муҳим илмий ёндошувларга эгадир. Жумладан, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда яшил молиянинг роли ва асосий хусусиятлари, яшил молия ва инвестицияларда хусусий секторнинг родини ошириш масалалари Wang, Zhi, Taghizadeh-Hesary, Yoshinolar томонидан тадқиқ этилган бўлиб, улар томонидан яшил молия тушунчасининг умумий тавсифи, “яшил” лойиҳаларни молиялаштиришнинг асосий усуллари ўрганилган [14,18]. Шунга қарамадан, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш мақсадларини амалий жорий этиш учун зарур бўлган омиллар ва шарт-шароитлар етарлича таҳлил қилинмаган.

Gianfrate, Peri, Glomsrod, Wei каби хорижий иқтисодчилар “яшил” лойиҳаларни молиялаштиришда “яшил” облигацияларни чиқаришнинг асосий шарт-шароитлари ва улар муомаласини

тартибга солиш масалаларини тадқиқ этишган [9,10]. Ушбу тадқиқотларда асосан "яшил" облигациялар муомаласини ташкил этиш масалалари кенг тадқиқ қилинган бўлиб, улар натижасида муаллифлар "яшил" лойиҳаларни молиялаштириш манбаларини кенгайтириш, шунингдек, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда "яшил" иқтисодиётнинг ролини ошириш учун давлатнинг тартибга солувчи таъсирини кучайтириш зарурлиги тўғрисида муҳим хулосалар берилган.

Хусусий инвесторларни "яшил" иқтисодиётга жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда "яшил" инновацияларни молиялаштиришнинг самарали тизимини шакллантириш, шунингдек, "яшил" инвестициялаш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган рискларини бошқариш борасида Owen, Brennan, Lyon, Criscuolo, Menon, Wu, Zhangлар томонидан қатор тадқиқотлар олиб борилган [6,13,17].

Миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш шароитида "яшил" лойиҳаларни молиялаштиришнинг илғор хорижий тажрибаларини тадқиқ этиш ва шу асосда истиқболли йўналишларни

белгилаш долзарб масала ҳисобланади. Шу боисдан мақолада "яшил" лойиҳаларни молиялаштиришнинг замонавий ҳолати, "яшил" инвестиция лойиҳаларининг таснифи ва молиялаштириш манбаларини тадқиқ этиш, тадқиқот натижаларини тизимлаштириш асосида илмий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишга эътибор қаратилди. Бу борада хорижий мамлакатларда "яшил" лойиҳаларни молиялаштириш билан боғлиқ сўнгги тенденцияларни, жаҳондаги иқтисодий ташаббусларни ҳамда "яшил" бизнесни ривожлантириш йўналишларини таҳлил қилиш, шунингдек "яшил" лойиҳаларни молиялаштиришда хусусий инвесторларни қўллаб-қувватлашнинг дастак ва воситаларини ҳамда лойиҳа турларини таснифлаш, "яшил" лойиҳаларни молиялаштириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган рискларни тавсифлаш тадқиқотнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

**Натижалар.** Дунё мамлакатларида ривожланаётган "яшил" бозорнинг муҳим таркибий қисми миллий "яшил" банклар, ривожланиш банклари, инвестиция фондлари ва молиявий корпорацияларни ўз ичига олган кўп даражали молиявий воситачилар тармоғи ҳисобланади.

1-жадвал

**G20 мамлакатларининг молиявий институтлари<sup>1</sup>**

Мамлакат	Молиявий институтлар
Буюк Британия	– Green Investment Bank GIB – British Business Bank – Charity Bank – Tridos Bank
Корея	– Korea Finance Corporation KoFC; KoreaCredit – Cuarantee Fud KODIT – Korea Technology Finance Corp KIBO – Export-Import Bank of Korea KEXIM
Канада	– Green Investment Fund
Германия	– National Investment Bank Kreditanstaltfur Wiederaufbau – Federal Ministry for the Environment BMUB

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан шакллантирилган.

Франция	– French Global Environment Facility FFEM
АҚШ	– First Green Bank – Huntington National Bank – U. S. Bank
Европа Иттифоқи	– European Fund for Strategic Investments EFSI

Курилиш, инфратузилма, сувни тозалаш, чиқиндиларни қайта ишлаш соҳаларида “яшил” лойиҳа ва дастурларни молиялаштириш ва амалга оширишга кўмаклашишда жаҳон молия институтлари муҳим рол ўйнайди. Айнан улар жаҳон молия бозорининг бошқа иштирокчиларига бундай лойиҳаларни молиялаштириш бўйича илғор тажрибаларни улашадилар. Яшил иқтисодиёт лойиҳаларига сармоя киритувчи институтлар қаторида Европа инвестиция банки, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси ва бошқаларнинг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, Халқаро молия корпорацияси

энергетика, қурилиш ва транспорт соҳаларида экологик йўналишдаги 221 та лойиҳани амалга ошириш учун 8,4 миллиард доллар ҳажмидаги “яшил” кредит ажратган [11].

Турли миллий ва халқаро ташкилотларнинг фаолияти жаҳон мамлакатларида “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаган бўлиб, улар тегишли меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган. Турли ташкилотлар томонидан “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш бўйича ташаббуслар қуйидаги жадвалда келтирилган.

2-жадвал

**“Яшил” иқтисодий ташаббуслар<sup>2</sup>**

“Яшил” ташаббусни илгари сурган ташаббускор	Йил	Асосий мақсади
Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Жаҳон комиссияси (WCED)	1983	Атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш чораларини кўриш
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича конференцияси / UN Conference on Environment and Development	1992	Экологик ресурсларни тақсимлашда самарадорликни ошириш муаммоларини ҳал қилиш йўллари ишлаб чиқиш
БМТ Глобал шартномаси / UN Global Compact	1999	Бизнеснинг экологик масъулият даражасини ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш
UNEPнинг Яшил иқтисодиёт бўйича ташаббуси / UNEP Green Economy Initiative	2008	Янги “яшил” иш ўринларини ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш
UNIDO - БМТнинг саноатни ривожлантириш бўйича яшил саноат ташаббуси	2009	“Яшил” саноатга ўтишни рағбатлантириш
“Яшил” ўсиш / Green growth	2009	Иқтисодиётни “яшиллаштириш”нинг асосий йўналишларини белгилаш
“Яшил” иқлим фонди / Green Climate Fund	2010	Ривожланаётган мамлакатларда экологик рискларни камайтириш бўйича чоратадбирларни молиялаштириш
БМТнинг барқарор ривожланиш бўйича саммити (конференцияси) / UN Sustainable Development Summit	2015	Барқарор ривожланиш бўйича Давлат ҳаракатлар режасини қабул қилиш

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан шакллантирилган.

Марказий банклар ва молиявий назорат органлари тармоғи / Network of Central Banks and financial supervisory authorities	2017	Экологик вазиятни барқарорлаштириш ва иқлим рискларини камайтириш учун молиявий ресурсларни жамлаш
“Бир макон, бир йўл” яшил инвестиция ташаббуси / Green investment principle “One Belt, One Road”	2018	“Яшил” молиявий воситалардан фойдаланишнинг стратегик режаларини қабул қилиш
“Яшил” облигациялар / Green bonds	2019	Атроф-муҳитни муҳофаза қилган ҳолда барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш
Европа “яшил” курси / The European Green Deal	2019	2050 йилгача Европа Иттифоқи мамлакатларида “углерод нол” даражасини белгиловчи стратегияни қабул қилиш
Иқлим саммити / Climate Summit	2021	Жаҳон иқтисодиётини карбонсизлантириш, “углерод нейтраллиги”га эришиш соҳасида халқаро ҳамкорлик

Таъкидлаш жоизки, ҳатто коронавирус пандемияси шароитида ҳам жаҳон иқтисодиётини карбонсизлантириш соҳасида халқаро ҳамкорлик масалалари турли мамлакатлар ҳукуматларининг диққат марказида бўлди. Хусусан, 2021 йил апрел ойида дунёнинг 40 та давлати раҳбарлари иштирокида Иқлим саммити бўлиб ўтди. Саммит давомида АҚШ, Япония, Канада ва Буюк Британия келгуси 10-15 йил ичида чиқиндиларни камайтириш бўйича янги мақсадларни белгилаб олди. Бразилия 2050 йилгача углерод нейтраллигига эришишни асосий йўналишлардан бири сифатида белгилаганини эълон қилди.

Халқаро ташкилотларнинг глобал ҳамкорлиги жаҳон тартибга солиш стандартларини, маълумотлар ва тажриба алмашиш тизимини, иқтисодиётни “яшиллаштириш” жараёнини молиялаштиришнинг замонавий воситаларини шакллантириш имконини берди.

Хорижий мамлакатларда “яшил” ташаббусларни тартибга солишнинг энг муҳим молиявий усуллари “яшил” лойиҳаларни имтиёзли кредитлаш (Франция, АҚШ, Германия); экологик

тоза технологияларни молиялаштириш учун кредит кафолатларини тақдим этиш (АҚШ, Германия); ихтисослашган институционал инвесторларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш (АҚШ, Буюк Британия); “яшил” молиявий инфратузилмани ривожлантириш ва мустаҳкамлаш (ЕИ); “яшил” воситаларни ишлаб чиқишда ахборот ва услубий ёрдам кўрсатиш (Швеция); ихтисослаштирилган миллий молиявий назорат органларини яратиш (Хитой, Бразилия, Франция); рақамлаштириш (ЕИ) кабилар кирди.

Сўнгги йилларда рақамли технологияларга асосланган яшил трансформация кўплаб миллий стратегияларнинг муҳим қисмига, шунингдек, янги бозорлар учун глобал рақобат мавзусига айланди [3]. Ҳозирги вақтда Европа Иттифоқи иқтисодиётни кўкаламзорлаштириш ва карбонсизлантиришни, шу жумладан ишлаб чиқарилиши CO<sub>2</sub> меъёрларидан ортиқ бўлган товарларга божлар жорий этиш орқали трансчегаравий углеводородларни тартибга солишни назарда тутувчи “Яшил келишув” дастурига катта эътибор қаратмоқда [22]. Бундан ташқари, CO<sub>2</sub> чиқиндиларининг энг катта эмитентлари ҳозирги вақтда Хитой (24,5%), АҚШ (13,9%), Европа

Иттифоқи (9,8%), Хиндистон (6,7%), Россия (5%) каби мамлакатлар ҳисобланади.

2050 йилга бориб чиқиндиларни ноль ҳолатга келтиришга эришиш мақсади БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенциясини имзолаган 120 та давлат томонидан эълон қилинган [23]. Дания, Франция, Янги Зеландия, Швеция, Европа Иттифоқи ва Буюк Британия бу мажбуриятни қонунчиликка киритган. Чунки, атроф-муҳитнинг ифлосланиши муаммоси замонавий дунёда энг долзарб муаммолардан бири бўлиб, барча мамлакатларнинг келажаги унинг ечимига боғлиқ. 2015 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 17 та барқарор ривожланиш мақсадлари ишлаб чиқилган бўлиб, улардан еттита экологик муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган ҳолда барқарор иқтисодий ривожланиш ҳозирги авлоднинг келажак авлодларга зарар келтирмайдиган ижтимоий-иқтисодий фаолиятини назарда тутиши билан белгиланди [24].

Жаҳон амалиётида “яшил” бизнесни ривожлантиришнинг мақсадлари деганда қуйидагилар тушунилади:

– маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни якуний истеъмолчига етказиш жараёнининг атроф-муҳитга салбий таъсирларини узлуксиз камайтириш учун техник-иқтисодий имкониятларни доимий излаш ва амалга ошириш;

– атроф-муҳит ва одамлар учун хавфсиз бўлган товарларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни таъминлаш мақсадида ресурслардан оқилона фойдаланиш;

– келажак авлодларга зарар етказмасдан ҳозирги авлодларнинг эҳтиёжларини қондириш;

– ишлаб чиқаришнинг экологик ва иқтисодий самарадорлигига эришиш.

Шундай қилиб, барқарор ривожланиш мақсадлари экологик (“яшил”) бизнесга ўтишни ва тегишли бошқарув стандартларини жорий этишни белгилайдиган чора-тадбирлар мажмуаси сифатида барқарор фаолиятни ташкил этишга қаратилган энг самарали усул ҳисобланади [16]. Шу билан бирга, прогнозларга кўра, 2030 йилгача бўлган даврда яшил иқтисодиётга ўтиш учун 114 триллион АҚШ доллари миқдоридан инвестициялар талаб этилади. Мутахассисларнинг фикрича, бу инвестицияларнинг фақат олтидан бир қисми турли мамлакатларнинг давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши мумкин, қолган қисми эса компаниялар томонидан экологик (“яшил”) лойиҳаларни амалга ошириш учун жалб қилинган хусусий инвестициялар ҳисобидан амалга оширилиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, “яшил” лойиҳаларни амалга ошириш иқтисодий фойда олиш учун бизнесни ривожлантириш жараёнида инновацион ёндашувлардан фойдаланиш ва инновацион фаолиятни амалга оширишни назарда тутати [12].

Бугунги кунга келиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳит бўйича дастури (UNEP, БМТ) 2030 йилгача барқарор ривожланишга ўтиш учун учта сценарийни таклиф қилади:

– “Бизнес одатдагидек” (Business as usual) сценарийси экологиянинг жорий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётнинг барча тармоқларида инфратузилма, технология, ходимлар малакаси, сиёсат ва бизнес моделларини янгилашга инвестицияларни назарда тутати;

– “2°C” сценарийси барқарор ривожланишнинг экологик мақсадларига эришиш ва сайёрадаги ўртача ҳароратни саноат инқилобига сайёрадаги ўртача ҳароратга тенг даражага тушириш мақсадини инобатга олган ҳолда Business as usual моделини амалга оширишни назарда тутди.;

– Incremental investment (қўшимча инвестициялар) сценарийси барқарор ривожланишнинг экологик мақсадларига эришишда Business as usual моделини “2 °C” моделига етказишни назарда тутди.

Энг қиммат сценарий Business as usual бўлиб, унда 2010 йилдан 2030 йилгача инвестиция эҳтиёжларининг энг катта улуши иқтисодиётнинг қуйидаги тармоқларига тўғри келиши керак: транспорт ва транспорт инфратузилмаси (36,7 триллион АҚШ доллари, бу барча инвестиция эҳтиёжларининг 32 фоизини ташкил этади), сув тармоғи (26,4 триллион АҚШ доллари ва 23%), саноат сектори (18,9 триллион АҚШ доллари ва 17%). Ушбу тармоқлар энергияни қўп талаб қиладиган ва экологик жиҳатдан интенсив тармоқлар қаторига киради, бу эса атроф-муҳитни муҳофаза қилишда инвестицияларга йирик эҳтиёжни келтириб чиқаради. 2030 йилга бориб 2°C сценарийсининг амалга оширилиши атроф-муҳитга сезиларли салбий таъсири туфайли электр энергиясини узатиш ва ривожлантириш секторига 429 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги инвестициялар киритишни талаб этади.

Incremental investment сценарийсини амалга ошириш иқтисодиётнинг қуйидаги тармоқларига

йирик инвестициялар киритишни талаб қилади: саноат (6,6 трлн. АҚШ доллари), транспорт ва транспорт инфратузилмаси (3,7 трлн. АҚШ доллари), электр энергетикаси (2,8 трлн. АҚШ доллари).

Шуни таъкидлаш керакки, барча сценарийларни амалга ошириш электроэнергетика соҳасига, хусусан, қайта тикланадиган энергия манбаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишга таъсир қилади. Агар илгари қайта тикланадиган энергиядан фойдаланиш бўйича етакчи давлатлар тажрибаси ўрганиладиган бўлса, энди қайта тикланадиган электр энергиясидан фойдаланишни ўзларининг корпоратив масъулиятининг бир қисми деб ҳисоблайдиган ишлаб чиқариш компаниялари тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Мисол учун, 2017 йилда Clean Edge ташкилоти АҚШда рўйхатга олинган 37 та корпорацияни ўз ичига олган The Corporate Clean Energy Leaders (CCEL) Universe рўйхатини тузди [5]. Қайта тикланадиган энергияни жорий қилиш бўйича етакчи компаниялар Microsoft ва KOHL's бўлиб, улар ишлаб чиқаришда 100% қайта тикланадиган энергиядан фойдаланади, шунингдек Apple (93%), Facebook ва Google (ҳар бири 35%), Goldman Sachs (38%). Чет элда бизнес юритишнинг экологик маданияти юқори бўлган иқтисодиётнинг асосий тармоқлари чакана савдо (Retail), молия сектори (finance), ишлаб чиқариш сектори (manufacturing), логистика (logistics), дастурий ва булутли таъминот (software/cloud) ишлаб чиқариш ҳисобланади.



**“Яшил” инвестиция лойиҳаларининг таснифланиши<sup>3</sup>**

<b>Инвестициялаш йўналишлари</b>		
<b>Инвестициялаш объектлари соҳаси</b>	<b>Инвестициялаш объекти</b>	<b>Инвестициялаш мақсади</b>
Ядровий энергия / Nuclear power	Электроэнергия ва иссиқлик таъминоти	Қайта тикланувчи ва энергия тежамкор энергия манбаларидан фойдаланиш
Гидроэнергетика / Hydropower		
Биоэнергия / Bioenergy		
Шамол энергияси / Wind energy		
Атмосфера / Atmosphere	Ақлли филтрлар	Чиқиндиларнинг атмосферага салбий таъсирини камайтириш
	Кам углеродли чиқиндиларни чиқарадиган объектлар	
Сув ресурслари / Water resources	Ақлли оқава сув тозалаш иншоотлари	Чиқиндиларни камайтириш ва уларнинг сувга хавфсизлигини ошириш
	Чиқиндиларни биокимёвий нейтраллаш	
Иссиқхона эффекти / Greenhouse effect	Кам углерод ишлаб чиқариш усуллари	Ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш
	Чиқиндиларни тозалаш иншооти	
	Озон тешиklarининг кўпайиши ва кенгайишининг олдини олиш	
Электр энергияси истеъмоли / Electricity consumption	Тежамкор энергоресурслар	Истеъмол қилинадиган энергия миқдорини камайтириш
Сув истеъмоли / Water consumption	Сув ресурсларидан тежамкор истеъмол қилиш объектлари	Истеъмол қилинадиган сув миқдорини камайтириш
Транспорт ва юк ташиш / Transport and transportation	Транспорт учун кам углеродли хом ашё ишлаб чиқариш	Логистика самарадорлигини ошириш ва чиқиндиларни камайтириш
	Экологик мақбул таъминот занжири	
	Ёқилғи ресурсларидан унумли фойдаланишни даражасини ошириш	
IT ва телекоммуникация / IT and telecommunications	Совутиш тизимларини такомиллаштириш	IT ва телекоммуникация соҳаларида қўлланиладиган асбоб-ускуналарнинг экологияга салбий таъсирларини олдини олиш
	Энергия истеъмолини камайтириш	
Саноат инфратузилмаси / Industrial infrastructure	Инфратузилма объектларини замонавий экологик талабларга мослаштириш	Инфратузилма объектларининг экологик тозаллигини ошириш
	Инфратузилма объектлари томонидан ресурслар ва чиқиндилардан фойдаланишни оптималлаштириш	

Яшил иқтисодиётга ўтиш жараёни таъминлашда йирик инвестицияларни лойиҳаларнинг юқори самарадорлигини талаб қилади. Ҳозирги вақтда дунёнинг

<sup>3</sup> Муаллиф томонидан шакллантирилган.

аксарият давлатлари “яшил” лойиҳаларни асосан давлат томонидан молиялаштиришдан воз кечишга ва бу соҳага хусусий капитални жалб қилишни фаол рағбатлантиришга интиломда [4]. Мутахассисларнинг фикрича, давлат ва хусусий инвестицияларнинг нисбати 1:5 бўлиши керак. Хитой тажрибасини кўрадиган бўлсак, ушбу мамлакатда маҳаллий “яшил” лойиҳаларни давлат бюджетидан 10-15 фоиз ва хусусий маблағлар ҳисобидан 85-90 фоиз миқдорда молиялаштириш қоидаси амал қилади [7].

Бирок, “яшил” лойиҳаларни, айниқса хусусий инвесторлар учун кенг кўламли лойиҳаларни амалга ошириш бир қатор рисклар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг асосийлари куйидагилардан иборат:

- макроиқтисодий рисклар – иқтисодий конъюнктура, товар нархлари, фоиз ставкалари ва валюта курсларининг кескин ўзгариши;

- иқтисодий рисклар - тарифларнинг, қазилма бойликларга субсидияларнинг ўзгариши, бу эколойиҳанинг иқтисодий самарадорлигига таъсир қилади [17];

- технологик ва операцион рисклар – лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўлган инфратузилманинг (масалан, электр ва сув таъминоти тармоқлари ва бошқалар) йўқлиги ёки унинг ишончсизлиги натижасида хўжалик юритувчи субъектларнинг мақсадли

ишлаб чиқариш ва молиявий кўрсаткичларига эриша олмаслиги;

- таъминот рисклари – “яшил” лойиҳаларни амалга ошириш жараёнини давлат ва бошқа институтлар томонидан қўллаб-қувватланмаслиги [6];

- “яшил” лойиҳаларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлган рисклар - бошқа соҳалардаги лойиҳаларга нисбатан пастроқ ички даромадлилик даражаси ва узоқроқ дисконтланган тўлов муддати [18].

Шу сабабли, хусусий инвестицияларни жалб қилиш учун яшил лойиҳаларга инвестиция қилиш рискларини анъанавий технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган лойиҳаларга сармоя киритиш rischi даражасига қадар камайитириш керак. Шу мақсадда жаҳон амалиётида “яшил” лойиҳаларни молиялаштиришни рағбатлантириш учун хусусий инвесторларни қўллаб-қувватлашнинг қатор дастак ва воситаларидан фойдаланилади.

Аввало, хусусий инвесторларни “яшил” иқтисодиётга жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича давлат сиёсатининг муҳимлигини таъкидлаш лозим [13]. Мисол учун Буюк Британияда атроф-муҳитга давлат харажатларининг 1% га ўсиши бизнес субъектлари томонидан амалга ошириладиган “яшил” инвестицияларнинг йилига ўртача 5,28%га ўсишига олиб келади.

#### 4-жадвал

**“Яшил” лойиҳаларни молиялаштиришда хусусий инвесторларни қўллаб-қувватлашнинг дастак ва воситалари<sup>4</sup>**

Қўллаб-қувватлаш чоралари	“Яшил” лойиҳаларни молиялаштиришни қўллаб-қувватлашнинг дастак ва воситалари	
Давлат томонидан тартибга солиш	Воситалар	солиқ кредитлари; стандартларни жорий этиш;

<sup>4</sup> Муаллиф томонидан шакллантирилган.

		“яшил” иқтисодиётга қарши компанияларни қўллаб-қувватлашни бекор қилиш.
	Дастаклар	Имтиёзли тарифлар (Feed-in-Tariff); қайта тикланадиган энергия учун квоталар.
Давлат томонидан молиялаштириш	Воситалар	Грантлар; субсидиялар; экологик дастурлар.
Кредитлаш	Воситалар	Лойиҳавий молиялаштириш; қарз фондлари; “яшил” облигациялар.
	Дастаклар	Имтиёзли кредит ставкалари
Рискларни камайтириш	Воситалар	Кредит кафолатлари ва кафиллик; Суғурта; Алмашинув курси ва фоиз ставкаларининг ўзгарувчанлигидан ҳимоя қилиш.

**Мунозара.** Фикримизча, замонавий шароитда, “яшил” лойиҳаларни молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим чора-тадбирлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1) молиялаштиришда кенг қўлланиладиган имтиёзли кредитлаш:

– чиқиндиларни қайта ишлаш ва иккиламчи фойдаланиш бўйича “яшил” лойиҳалар (АҚШ, Франция, Австрия, Финляндияда);

– энергия тежамкор ва экологик тоза технологиялар (АҚШда);

– қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш (Германияда);

2) молиялаштиришда фойдаланиладиган кредит кафолатлари:

– энергия тежамкор ва экологик тоза технологиялар (АҚШда);

– қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш (Германияда) [14].

Хорижда имтиёзли кредитлаш ва кредит кафолатларини тақдим этиш қуйидагича амалга оширилади:

– молиявий ривожланиш институтлари тижорат банкларига

қараганда анча паст фоиз ставкаларида ва узоқроқ муддатга тақдим этади [10]. Шундай қилиб, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва Европа инвестиция банки қуёш ва шамол энергиясини ривожлантириш билан шуғулланувчи компанияларга паст фоизли кредитлар ажратади;


– давлат компенсацияси ва имтиёзлари эвазига экоинновациялар учун арзонроқ кредитлар ажратадиган тижорат банклари [1].

“Яшил” лойиҳаларга инвестициялар жалб этишда Буюк Британия тажрибаси муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мамлакатда 2012 йилда ҳукумат даражасида яшил лойиҳаларга хусусий инвестицияларни жалб қилиш учун Яшил инвестиция банки (GIB) ташкил этилган бўлиб, инфратузилма лойиҳаларига хусусий инвестицияларни рағбатлантириш учун қуйидаги дастак ва воситалардан фойдаланилади: имтиёзли кредитлаш, компанияларнинг капиталига тўғридан-тўғри инвестициялар киритиш, инвестиция фонди орқали молиялаштириш, кафолатлар бериш. Банк томонидан шамол энергияси, чиқиндиларни қайта тиклаш ва

биоэнергия, энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш каби йўналишлардаги 100 дан ортиқ яшил лойиҳа молиялаштирилган [19].

3) хорижий мамлакатларда фаол ривожланаётган “яшил” облигациялар. Climate Bonds Initiative маълумотларига

кўра, 2022 йилда дунёда “яшил” облигацияларнинг умумий эмиссияси 487,1 миллиард АҚШ долларни ташкил этган. 2007 йилда бозор яратилганидан бери уларнинг умумий эмиссияси 2 триллион доллардан ошди, 2025 йилга келиб эса 5 триллион долларга етиши мумкин [24].




1-расм. 2022 йилда жаҳон мамлакатлари томонидан чиқарилган “яшил” облигациялар ҳажми<sup>5</sup>

2022 йилда “яшил” облигациялар чиқаришда Хитой (85,4 млрд. АҚШ долл.), АҚШ (64,4 млрд. АҚШ долл.) ва Германия (61,2 млрд. АҚШ долл.) каби мамлакатлар жаҳонда етакчилик қилган. Айни пайтда Ҳиндистон, Фиджи, Нигерия, Малайзия каби давлатлар ушбу бозорга фаол кира бошладилар. 2022 йилда жаҳон мамлакатлари томонидан чиқарилган “яшил” облигацияларнинг эмитентлар бўйича таснифланишидан кўрадиган бўлсак, чиқарилган облигацияларнинг умумий ҳажмида юқори кўрсаткич молиявий корпорацияларга тўғри келган бўлиб, жамига нисбатан 28,7 фоизни ташкил этган. Шунингдек, салмоғига кўра кейинги ўринларни номолиявий корпорациялар (25,1 фоиз) ва давлат

томонидан қўллаб-қувватланадиган субъектлар (18,7 фоиз) эгаллаган. Хусусий сектордаги яшил эмиссиянинг деярли ярми Европа корпорацияларига тўғри келган бўлиб, энг йирик эмитентлар Германиянинг тижорат банки Helaba (5,2 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги 45 та битим,) ва Даниянинг Orsted кўп миллатли электр компанияси (4 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги 6 та битим) ҳисобланади [24].

“Яшил” облигациялар бутун дунё бўйлаб, қоида тариқасида, ижобий экологик ва / ёки иқлим мақсадларига эга бўлган ва экоинвестицияларга капитал харажатларини камайтиришга ёрдам берадиган лойиҳаларни молиялаштириш учун ишлатилади [9].

<sup>5</sup> Муаллиф томонидан шакллантирилган.



2-расм. 2022 йилда жаҳон мамлакатлари томонидан чиқарилган “яшил” облигацияларнинг эмитентлар бўйича таснифланиши<sup>6</sup>

“Яшил” облигациялар ривожланишнинг юқори потенциалига эга воситалар ҳисобланади, чунки улар тўғридан-тўғри инвестицияларга қараганда эмитентлар учун арзонроқ, инвесторлар учун эса узок муддатли истиқболда барқарор даромадлилик, бозорда облигациялар нарҳини прогноз қилиш ва рискни камайтириш каби жозибали хусусиятларга эга [8].

**Хулоса.** Глобал “яшил” бозорни шакллантириш жараёнида яшил иқтисодиёт лойиҳаларига сармоя киритувчи халқаро молия институтлари, шунингдек, тармоғи миллий “яшил” банклар, ривожланиш банклари, инвестиция фондлари, молиявий корпорациялардан ташкил топган қўллаб-қувватлашчи муҳим ўрин тутди. Халқаро ташкилотларнинг “яшил” молиялаштириш соҳасидаги глобал ҳамкорлиги жаҳон тартибга солиш стандартларини, маълумотлар ва тажриба алмашиш тизимини, ривожланишнинг янги моделини молиялаштиришнинг замонавий воситаларини шакллантириш имконини берди.

Жаҳондаги янги тенденциялардан бири бу иқтисодиётни “яшиллаштириш” бўлиб, мазкур жараёнида давлат томонидан самарали қўллаб-қувватланиши миллий иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларида иқтисодий самарадорликка эришишда муҳим роль ўйнайди. Хорижий мамлакатларда “яшил” лойиҳаларни молиялаштиришни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмлари шакллантирилган бўлиб, улар орасида: “яшил” давлат банклари; имтиёзли тариф дастури ((Feed-inTariff (FIT)); ихтисослаштирилган давлат кредит ташкилотлари; экологик солиқлар, солиқ чегирмалари ва имтиёзлари; “яшил” молиялаштиришнинг бошқа воситалари кенг тарқалган. Бу жараёнда, “яшил” лойиҳаларни молиялаштиришни қўллаб-қувватлашда бозор эмас, балки давлат муҳим роль ўйнайди. Шу боисдан, “яшил” молиялаштириш бозорини ривожлантириш учун молиявий институтлар ва инвесторларни яшил лойиҳаларга сармоя киритишга рағбатлантиришга қаратилган чоратadbирларни амалга ошириш лозим.

<sup>6</sup> Муаллиф томонидан шакллантирилган.



Тадқиқот натижалари “яшил” лойиҳаларни молиялаштиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмнинг аҳамияти юқорилигини, шу боисдан “яшил” лойиҳаларни молиялаштиришни кўпайтиришда “яшил” капитални жалб қилиш, тўплаш ва

улардан фойдаланиш соҳасида бизнес ва уй хўжалиқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Архипова В. В. «Зеленые финансы» как средство для решения глобальных проблем. Экономический журнал ВШЭ. 2017; 21:312–332.
2. Федорова Е. П. Роль государства в решении проблем развития «зеленого» финансирования. Финансовый журнал. 2020;12(4):37–51. DOI: 10.31107/2075–1990–2020–4–37–51.
3. Фролова Е. Е. Новая экосистема финансового рынка Европейского Союза: цифровизация и устойчивость. Вестник РУДН. Серия: Юридические науки. 2020;24(3):673–694. DOI: 10.22363/2313–2337–2020–24–3–673–694.
4. Ataniyazov, J. X., and E. D. Alimardonov. "Xalqaro moliya munosabatlari." Toshkent-2014. UFMJ., Darslik 279 (2019): 280.
5. Clean Energy Procurement U. S. Corporate Leaders, Trends, and Resources URL: [https://cleanedge.com/sites/default/files/CCEL2pgr\\_final.pdf](https://cleanedge.com/sites/default/files/CCEL2pgr_final.pdf) (дата обращения: 08.07.2019).
6. Criscuolo C., Menon C. Environmental policies and risk finance in the green sector: cross-country evidence. Energy Policy. 2015; 83:38–56.
7. Establishing China’s Green Financial System: Report of The Green Finance Task Force. People’s Bank of China (PBC). United Nations Environment Programme (UNEP). 2015. URL: <https://www.unepfi.org/news/establishing-chinas-greenfinancial-system-report-of-the-green-finance-task-force/>
8. Explaining green bonds. Initiative Climate Bonds. URL:<https://www.climatebonds.net/market/explaining-greenbonds>
9. Gianfrate G., Peri M. The green advantage: exploring the convenience of issuing green bonds. Journal of Cleaner Production. 2019;127–135. DOI: 10.1016/j.jclepro.2019.02.022.
10. Glomsrod S., Wei T. Business as unusual: the implications of fossil divestment and green bonds for financial flows, economic growth and energy market. Energy for Sustainable Development. 2018.
11. Green Bond Impact Report Financial Year 2020 / International Finance Corporation URL: [https://www.ifc.org/wps/wcm/connect/corp\\_ext\\_content/ifc\\_external\\_corporate\\_site/home](https://www.ifc.org/wps/wcm/connect/corp_ext_content/ifc_external_corporate_site/home).
12. Kubba S. Green construction project management and cost oversight. Architectural Press; 2010. 560 p.;
13. Owen R., Brennan G., Lyon F. Enabling investment for the transition to a low carbon economy: government policy to finance early stage green innovation. Current Opinion in Environmental Sustainability. 2018; 31:137–145. DOI: 10.1016/j.cosust.2018.03.004
14. Taghizadeh-Hesary F., Yoshino N. The way to induce private participation in green finance and investment. Finance Research Letters. 2019; 31:98-103. DOI: 10.1016/j.frl.2019.04.016
15. Transforming our world: the 2030 Agenda for Sustainable Development. <https://sdgs.un.org/2030agenda>
16. Wagner G., Weitzman M. Climate shock: the economic consequences of a hotter planet. Oxford: Princeton University Press; 2016. 272 p.



17. Wu T., Zhang L.-G., Ge T. Managing financing risk in capacity investment under green supply chain competition. *Technological Forecasting and Social Change*. 2019; 143:37–44.
18. Wang Y., Zhi Q. The role of green finance in environmental protection: two aspects of market mechanism and policies. *Energy Procedia*. 2016; 104:311–316.
19. UK Green Investment Bank Limited Annual Report and Financial Statements 2016-17. URL: <https://greeninvestmentgroup.com/media/185901/gib-annualreport-2016-17-final.pdf>.
20. 17 Goals to Transform Our World. URL: <https://www.un.org/sustainabledevelopment/>
21. <https://www.oecd.org/>
22. <https://www.oecd.org/environment/Aligning-Policies-for-a-Low-carbon-Economy.pdf>
23. <https://www.un.org/en/climatechange/cop26>
24. <https://www.climatebonds.net/market/data/>